

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

22 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, шунингдек 2011 йил учун мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатларини, шу жумладан 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқишга бағишланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Республикада иқтисодиётни ривожлантиришнинг танланган ўз модели ва ўз вақтида қабул қилинган 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,8 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши 11,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 9 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмади.

Мамлакатимизнинг экспорт қилувчиларини қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича самарали чоратadbирларнинг амалга оширилиши маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоизга кўпайтиришни таъминлади.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган объектларни ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурларни амалга ошириш бўйича ишларнинг ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йил январь-сентябрь ойларида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар 8,1 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 15,1 фоизга ўсди. Ўтган даврда 867 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, 156 та инвестиция лойиҳасини, шу жумладан энгил саноат, тўқимачилик, озиқ-овқат, нефть-кимё, электротехника, фармацевтика саноатида, машинасозлик, металлургия ва бошқа соҳаларда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш тугалланди.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори 2010 йил инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ва объектларни ишга туширишни жадаллаштириш, шунингдек 2011 йилдан бошланадиган инвестиция лойиҳалари бўйича жорий йил охиригача

лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларини тасдиқлаш, технологик асбоб-ускуналар етказиб беришга ва пудрат ишларини бажаришга шартномаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни якунлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Ўзбекистон миллий автомагистралли участкаларида 191 км узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш якунланганлиги, автомагистраль бўйлаб 41 та йўлбўйи инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилганлиги алоҳида қайд этилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 3 597 та уй ва 85 та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Республика бўйича 1 965,8 км водопровод тармоқлари ишга туширилди, шу жумладан қишлоқ жойларда – 1 298,1 км.

Мажлис давомида рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва уларнинг турларини кўпайтириш, улар билан ички бозорни барқарор тўлдирish бўйича қўрилаётган чора-таadbирлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш кенгайтирилганлиги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар, импорт ўринини босиш самарадорлиги 1,3 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўздонмаҳсулот» компаниялари, «Ё-мой ва озиқ-овқат саноати», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари, «Ўзфармсаноат» концерни, бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари олдига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, улар билан ички бозорни янада тўлдирish юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни якунлашни жадаллаштириш, шунингдек қиш-баҳор даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли тарзда қондириш мақсадида ғамланган захирани тизимли равишда бозор-

га чиқарилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг 2010-2011 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор ишлашини, шу жумладан газ етказиб берувчи ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор ишлашини, табиий газ ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ва хизматлар ҳажми ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини, инфляция даражасининг охиш кетмаслигини назарда тутадиган 2011 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлари кўриб чиқилди ва умуман қўллаб-қувватланди.

Кўриб чиқиш жараёнида 2011 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек Давлат бюджети лойиҳасида иқтисодиётга солиқ юкини янада қисқатириш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ўстириш, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг манзилли бўлишини кучайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва фанни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш назарда тутилганлиги қайд этилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш доирасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш ҳамда уни тўлашнинг такомиллаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахслар даромадига солиқнинг биринчи шкаласи (5 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича ставкани 11 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ва иккинчи шкаласи (5 дан 10 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича 17 фоиздан 16 фоизгача пасайтириш аҳоли даромадига солиқ юкини янада камайтиришни таъминлайди. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкаларини камайтириш

бўйича таклиф этилаётган мазкур чоралар натижасида амалда ишловчи аҳолининг барча гуруҳлари манфаат кўради.

Муҳокама натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий кўрсаткичларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чоратadbирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича чоратadbирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳукумати мажлисида 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари депутатлари қатнашдилар.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2011 йилда қўшимча равишда 956,2 мингта янги иш ўрни, шу жумладан кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 477,8 мингта, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобига 216,2 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 72,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилди.

Корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликларнинг раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этиш ва шу асосда одамларнинг даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларда республика Ҳукуматининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича аниқ чора-таadbирлар белгиланди.

Ў.А.

УШЎ
СОҶДА

2-бет
Қишлоқда қандай уйлар қурилади?
\$1 = 1624,72 сўм

2-3-бетлар
Текширувчилар қонун доирасидан чиққанда
€1 = 2270,58 сўм

4-бет
Тушум НКМни четлаб ўтмасин
£1 = 2589,80 сўм

6-бет
Суд экспертизаси тажрибасидан
¥10 = 200,16 сўм

СИЗГА ҚУРИБ БЕРИЛАДИГАН УЙ...

ЁКИ ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура жиҳатидан режалаштириб қуриш бош режаларига мувофиқ намунавий лойиҳалар бўйича замонавий якка тартибдаги уй-жойни кенг миқёсда қуриш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал шакллантириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилган ҳамда изчил амалга ошириляпти. Уни амалга оширишдан мақсад қишлоқларнинг қиёфасини тубдан янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишдир.

Ҳукумат томонидан қишлоқ жойларда хусусий уй-жой қурилиши учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ерлардан ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмида ер участкаларини ажратиш қарор қилинган¹. Якка тартибдаги уй-жой даҳалари учун ер участкаларини танлаб олиш масалаларини йиғма ишчи гуруҳ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятларидаги ҳудудий ишчи гуруҳлар ҳал қилиши керак.

Президентнинг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» қарорига (2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сон) биноан жисмоний шахслар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдордаги фоида ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1 000 баробарига микдорда 15 йил муддатга кредит олишлари мумкин. Бундай кредит бериш тартибини бошқарадиган низо Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши лойиҳалаштириш ва уни яхшилашни такомиллаштириш бўйича кўшимча чоралар кўриш учун Президентнинг 2010 йил 8 сентябрдаги ПҚ-1403-сон қарори билан 2011 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг имтиёзли ипотека кредитларини жалб қилган ҳолда, уй-жойларни 2011 йилнинг III чорагида «батамом тайёр» ҳолда топшириш шартлари асосида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни барпо этишнинг, қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-

жойлар қурилиши массивларида ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари объектларини қуриш, шунингдек ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини бунёд этишнинг асосий параметрлари тасдиқланди. Қишлоқ жойларда асосий қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ҳамда ҳайдаладиган майдонларнинг бевосита яқинида бундай массивлар учун ер участкалари ажратилиши тақиқланган.

Ҳужжатда белгиланишича, уй-жой қурилиши лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ваколатли органлар:

қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш бош режасидан келиб чиққан ҳолда, якка тартибдаги турар жойларни қуриш учун ер массивларини танлаб олишнинг аниқ ва очик-ойдин тизими яратилишини; қишлоқда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш яшаш хоналарини оқилона режалаштириш, қўшнинг ёритилишини, шамолнинг йўналишини ҳисобга олиш ва бошқа табиий-иқлим омиллари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятларни назарда тутган ҳолда тасдиқланган янги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилишини;

объектларни ва муҳандислик-коммунал инфратузилма тармоқларини – автомобиль йўллари, водопровод, газ, электр тармоқлари, телекоммуникация тизимларини илдам лойиҳалаштириш ва қуриш орқали қишлоқ уй-жой массивларини комплекс барпо этишни;

уй-жойларни «батамом тайёр» ҳолда қуришда замонавий маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, илғор технологиялар ва янги конструктив ечим-

ларни қўллаш асосида турар жойларнинг сифати оширилиши ва қиймати туширилишини таъминлашлари белгиланган.

Белгиланишича, объектни «батамом тайёр» қилиб топшириш принципага қатъий риоя қилишни таъминлаган ҳолда, иморат солувчилар учун давлат экспертизасидан ўтган ва мослаштирилган лойиҳа қимматлашган тақдирда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларни қуришга якка тартибдаги иморат солувчилар билан «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ўртасида тузилган контракт шартлари ўзгартирилмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳужжат муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 сентябрдаги 201-сон қарорига биноан ҳукуматнинг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низом² 9-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда келтирилган: «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида қурилган уй-жой жойлашган ер участкаси туман ҳокимининг қарорига биноан, якка тартибда уй-жой қурувчига (Ўзбекистон Республикаси фуқаросига) ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан кимовши савдоси ўтказмасдан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилади». Яъни мазкур бандда фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўла оладиган иморат қурувчига ажратиладиган ер участкасининг ҳажми аниқлаштирилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг³ 8-бандидаги «қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадидаги ерлар таркибига сўзлари «ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига» сўзлари билан алмаштирилган. Яъни тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирадиган ер участкалари берилиши мумкин эмас.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

АГАР

Бизнинг фаолиятимизда юзага келган баъзи саволларга жавоб берсангиз. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қилган қайта-қайта мурожаатларимиз натижасиз қолди ва бир йилдан кўп вақтдан буюн мазкур масалани ҳал эта олмаямиз.

2009 йил апрелида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (СВОЖДЛҚКД) ходимлари буйруқ олмасдан дорихона муассасамизни текширишни бошлашди. Департамент ходимлари томонидан ходимларнинг чўнтақлари текширилди, тилхатлар олинди, сертификатлар ва кирим-чиқим ҳужжатлари текширилди, шунингдек дори воситаларининг сони ҳисоблаб чиқилди.

Бизнинг қайта-қайта қилган талабларимиздан сўнг, 3 соату 15 дақиқа ўтгач, улар текширув ўтказишга рухсат берувчи муҳрисиз буйруқ келтиришди. Буйруқ учун асос сифатида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 2006 йил 7 ноябрда тасдиқланган тадбирлар режаси, шунингдек ҳудудий кенгашининг 2009 йил 28 апрелдаги рухсати кўрсатилган.

Бироқ 2006 йил 7 ноябрдаги тадбирлар режаси 1-бўлимнинг 4-бандида, Президентнинг 1994 йил 14 июлдаги ПФ-916-сон Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, СВОЖДЛҚКД ва ИИВ томонидан республика ички бозорида қалбакилаштирилган, сифатсиз, давлат реестрига киритилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан савдо қилаётган улгуржи ва чакана сотувчи объектларни, шунингдек белгиланмаган жойларда дори воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган маъмурий ва жиний жавобгарлик чораларини қўллашни таъминлаш бўйича махсус рейдлар ўтказиш белгиланган. II бўлимнинг 5-бандида белгилани-

1. Хатингиздан нима текширув предмети бўлиб ҳисоблангани аниқлашмайди: қалбакилаштирилган, сифатсиз дори воситаларини сотиш ҳолларининг аниқланиши ёки харидорга чек бермасликда ўз ифодасини топган савдо қоидалари бузилишими? Бирок у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам назорат қилувчи органлар томонидан режадан ташқари қисқа муддатли текширув ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юришти тартиби тўғрисидаги низом¹ (бундан кейин – 1650-сон Низом) 1-бандининг тўққизинчи хатбошига мувофиқ қисқа муддатли текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув.

Биринчи ҳолда текширув дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш қоидаларини бузиш ҳолларини бартараф этишга йўналтирилади.

Иккинчи ҳолда – назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, яъни Солиқ кодексининг 72-моддаси, Аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиш тартиби тўғрисида низом² талаблари бузилиши тўғрисида кўшимча маълумотлар келиб тушиши далили текшириш учун асос бўлиб ҳисобланади, бу аҳолидан пул маблағларини назорат-касса машинасини қўлламасдан қабул қилиш ва харидорга ундан нақд пул маблағлари қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган чек бермасликда ифодаланади.

Текширув таомили иккала ҳолда бир хилдир. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режадан ташқари текшириш учун:

¹Адлия вазирининг АВ томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²МВ, ДСК, МБ ва АВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	21.10.2010	1	0,8012	1	1,1153	1	0,0261
Арманистон	21.10.2010	1	360,23	1	505,11	1	11,73
Беларусь	22.10.2010	1	3002,00	1	4193,19	1	97,67
Грузия	21.10.2010	1	1,7862	1	2,4721	1	5,80
Қозоғистон	22.10.2010	1	147,69	1	207,09	1	4,81
Қирғизистон	22.10.2010	1	46,7329	1	65,5048	1	1,5421
Латвия	22.10.2010	1	0,506	1	0,702804	1	0,0164
Литва	22.10.2010	1	2,4754	1	3,4528	10	8,0433
Молдова	21.10.2010	1	11,6248	1	16,0892	1	0,3771
Тоҷикистон	21.10.2010	1	4,3826	1	6,0914	10	1,4405
Ўзбекистон	19.10.2010	1	1624,72	1	2270,58	1	53,93
Украина	21.10.2010	100	791,16	100	1096,6269	10	2,569
Эстония	21.10.2010	1	11,1586	1	15,6466	1	0,363236

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОҒДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот **1-бет**
✓ **ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ШАРҲИ**
– Сизга қуриб бериладиган уй...

– Валюталар курси **2-бет**
✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Агар сизни текшириш учун келишса... **3-бет**
✓ **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**
– Устав фондига киритилган

ускунани ким баҳолайди?
– Тушумни кассада расмийлаштириш **4-бет**
✓ **ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ**
– Товарнинг ватани қаер? **5-бет**

✓ **POST SCRIPTUM**
– Иш бўлмаса-ю...
– Антика операция
– Кўча тасодифларга тўла **6-бет**
✓ **top** **7-8-бетлар**

СИЗНИ ТЕКШИРИШ УЧУН КЕЛИШСА...

шича: «ишчи гуруҳлар НҚОФМР Кенгашига махсус рухсат олиш учун мурожаат қиладилар ҳамда рухсат олинганидан сўнг эса (қисқа муддатли) текширувлар ўтказадилар».

Бундан ташқари, ҳудудий кенгашнинг 2009 йил 28 апрелдаги рухсатида: «Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан савдо қоидалари ва назорат-касса машиналаридан ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари юзасидан режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш» дея яққол қилиб кўрсатилган, бундан келиб чиқадики, ҳудудий кенгашнинг мазкур рухсати бизда Департамент ходимлари томонидан текширув ўтказиш учун асос бўла олмайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, СВОЖДЛҚҚД ходимларининг қуйидаги ҳаракатларини қонуний деб бўладими:

ДСБга текшириш учун берилган ҳужжат асосида 3 соату 15 дақиқа дорихона шохобчасида текширув ўтказилганлиги;

шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва махсус гувоҳномаларнинг тақдим этилмаганлиги;

Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлиқ тўлдирилмаганлик;

орадан 3 соату 15 дақиқа ўтгач муҳрсиз 104-сон буйруқни тақдим этганлик;

104-сон буйруқ учун асос сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 2006 йил 7 ноябрда тасдиқланган тadbирлар режасини ва ҳудудий Кенгашнинг 2008 йил 28 апрелдаги рухсатини тақдим этмаганлик;

текширувда иштирок этувчи мутахассисни жалб этмаганлик;

дорихона ходимларига қилинган кўпол муносабат (масалан: мен сенга ҳужжат кўрсатишга мажбур эмасман, сени қамоққа олиш учун келдим ва шу кабилар);

ҳодимларни камситиш ва буни видеотасмага олиш;

ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилган дорихона ходимига тан жароҳати етказиш;

ҳодимларни хонада ноқонуний ушлаб туриш;

ҳодимларга ҳозиргача далолатнома нусхасини тақдим этмаганлик;

дорихона фаолиятини бир ярим сутка мобайнида тўхтатиб туриш;

харидорлар ва атрофидаги кишилар олдидаги обрўимизга зарар етказганлик?

Бизга моддий ва маънавий зарар етказган мазкур ҳаракатларнинг қонунийлиги хусусида баҳо берсангиз.

Тан жароҳати етказилганда, ўз вақтида суд-тиббий экспертизаси ўтказилмаган тақдирда, 10 дан ортиқ кишининг гувоҳлиги ўтадимиз?

«Ишонч телефони» орқали унга харид чеки берилмаганлиги хусусида қўнғироқ қилган кишининг шахси қачон аниқланади: мазкур хабар бўйича тезкор ҳаракатлар ўтказилишидан олдинми ёки кейин? Агар хабар ёлгон бўлса-чи?

Олдиндан миннатдорчилик билдириб
Б.Фарсаҳонов.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг (бундан кейин – Кенгаш) ҳудудий комиссияси томонидан текширилаётган объект номи, текшириш ўтказиш мақсади, муддатлари ва унинг сабаблари асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қабул қилинган қарор;

текширишни амалга оширувчи назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари таркиби ва текшириш ўтказиш муддати кўрсатилган буйруғи асос бўлади (1650-сон Низомнинг 8-банди).

Агар Кенгашнинг ҳудудий комиссияси қароридан назорат қилувчи орган – Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси кўрсатилган бўлса, текширувни айна ушбу бошқарма ўтказиши керак эди.

Текширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши, қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тақдим этиши, Текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувлар киритиши лозим (1650-сон Низомнинг 27-банди).

1650-сон Низомнинг 34-бандига мувофиқ **ҳўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

текширувчи мансабдор шахслардан Кенгаш ҳудудий комиссиясининг текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларни текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

текширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предмети тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

текширувчи мансабдор шахслардан

Президентнинг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарори билан тасдиқланган.

текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Бинобарин, агар текширувчилар 1650-сон Низом 37-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ текширув ўтказишнинг қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлсалар, ҳўжалик юритувчи субъект уларни текширув ўтказишга қўймасликка ҳақли.

Текширувчилар шунингдек: ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти учун тўсқинлик қилмаслиги;


текширув натижаларини далолатнома билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектда қолдиришлари шарт.

Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳўжалик юритувчи субъектнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас. Агар текширувчилар ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин, қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан ҳўжалик юритувчи субъектнинг бошқа қонуний фаолиятига аралаштириш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмаслар (1650-сон Низомнинг 38-банди).

1650-сон Низомнинг 40-бандига мувофиқ ҳуқуқи поймол этилган ҳўжалик юритувчи субъект ўзига етказилган зарар тўлиқ ундирилишини талаб қилиши мумкин.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ҳўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланиши лозим.

Ҳўжалик юритувчи субъект текширувчи органдан ёки айбдор мансабдор шахслардан



ноқонуний аралашув натижасидаги етказилган реал зарарни, бой берилган фойдани, шунингдек маънавий зарарни қоплашни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

2. Баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш, одатда, тиббиёт органлари ваколатига тааллуқли бўлиб, соғлиқни сақлаш вазирининг 1992 йил 21 октябрдаги буйруғи билан тасдиқланган, Баданга етказилган шикаст оғирлигини суд-тиббий йўсинда белгилаш қоидаларига мувофиқ ўтказилади (Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 6-сон қарорининг 1-банди).

Шу муносабат билан баданга шикаст етказишнинг ҳар бир ҳолатида Жиноят процессуал кодекси (ЖПК) 173-моддаси биринчи қисми 1-бандининг талабларидан келиб чиқиб суд-тиббий экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш мажбурий, унинг ҳулосаси ишдаги бошқа материалларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши керак (ЖПКнинг 187-моддаси). Тан жароҳатлари етказилиши далили бўйича **ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноят иши кўзга тилган тақдирда 10 дан ортиқ кишининг гувоҳлиги, ЖПКнинг 87, 119-моддаларига мувофиқ, далил бўлиши мумкин.**

3. Бош прокуратура ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг ўзлаштирилиши ва терроризмнинг молиялаштирилишига алоқадор бўлиши мумкин бўлган тadbиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда – истисно ҳолларда, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг рухсати билан уларни асослайдиган сабаблар мавжуд бўлганда режадан ташқари текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом³ 9-бандининг еттинчи хатбошиси). Бинобарин, юқоридаги сабаблар мавжуд бўлганда мазкур орган ҳўжалик юритувчи субъектда режадан ташқари текширув ўтказиши мумкин.

4. «Ишонч телефони» орқали хабарларни

қабул қилиш «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун (2002 йил 13 декабрдаги 446-II-сон Қонун тахририда, бундан кейин – Қонун) билан тартибга солинади. Унинг 5-моддасига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўришида бўлиши мумкин.

Шикоят – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатдир (Қонун 5-моддасининг тўртинчи қисми).

Фуқаронинг «ишонч телефони» орқали мурожаат қилиши оғзаки шаклда киритилган деб ҳисобланади.

Мурожаатда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди (Қонун 7-моддасининг учинчи қисми).

Бинобарин, «ишонч телефони» орқали унга чек бермаганлари тўғрисида **қўнғироқ қилган кишининг шахси тезкор ҳаракатлар ўтказилиши олдиндан аниқланади.**

Агар фуқаронинг мурожаати тўхматдан иборат бўлса, Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ мазкур ҳаракат қонун билан белгиланган жавобгарликка, яъни жиноий – Жиноят кодекси (ЖК)нинг 139-моддаси бўйича ёки маъмурий – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 40-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади (Олий суд Пленумининг 1992 йил 19 июндаги «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида» 5-ПЛ-92-сон қарорининг 8-банди).

Тўхмат – билатуриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш (МЖТКнинг 40-моддаси, ЖКнинг 139-моддаси).

Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибда кўриб чиқилади (Қонуннинг 28-моддаси).

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М. Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

? Мен газетангизда чоп этиладиган жавобларни мунтазам кузатиб бораман. Энди эса ўзимда ҳам савол туғилди.

2010 йил январда биз МЧЖ шаклида ишлаб чиқариш корхонасини барпо этдик. Таъсис шартномасида жисмоний шахс ишлаб чиқариш ускунасини (унга доир техник хужжатлар бор) МЧЖ устав капиталига улуш сифатида киритиши назарда тутилган.

Жамият томонидан ишлаб чиқариш ускунасини муассисдан қабул қилиб олиш тартиби қандай? Мустақил баҳолаш корхонасининг хулосасига эга бўлиш шартми (унинг хизматлари қиймати 400–500 минг сўмни ташкил этади, бу эса янги барпо этилган кичик корхона учун оғирлик қилади)? Муассис ва МЧЖ ускунани ўзаро келишиб баҳолашлари мумкинми?

Т.Холмуродов.
Жиззах шаҳри.

УСТАВ ФОНДИГА КИРИТИЛГАН УСКУНАНИ КИМ БАҲОЛАЙДИ?

– МЧЖ устав капиталини шакллантириш тартиби ва ҳиссаларнинг турлари «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-И-сон, бундан кейин – 310-И-сон Қонун) билан тартибга солинади. Унинг 15-моддасига мувофиқ жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса пул, қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар ёки мулк хуқуқлар ёхуд учинчи шахсларга бериладиган, пул баҳосига эга бўлган хуқуқлар бўлиши мумкин. Тегишинча, ишлаб чиқариш ускунаси устав капиталига ҳисса сифатида киритилиши мумкин.

Мулк ҳиссаларнинг пулдаги

баҳоси МЧЖ муассислари умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор билан тасдиқланади (310-И-сон Қонуннинг 10-«Жамиятни таъсис этиш тартиби» моддаси). Киритилаётган активларнинг турлари корхонанинг устави ёки таъсис шартномасида албатта қайд этилиши керак. Масалан, агар унда корхонанинг устав фонди фақат пул ҳисобидан шакллантирилади деб ёзилган бўлса, муассислар унга асосий воситаларни кирита олмайдилар. Бу ҳол уставни бузиш деб баҳоланади, киритилган объектга эса назорат қилувчи органлар, тегишли солиқ оқибатлари билан бирга, корхона томонидан текинга олинган мол-мулк сифатида қарайдилар.

Сизнинг МЧЖ ишлаб чиқариш ускунасини муассислар ўртасида келишилган қиймат бўйича устав фондига ҳисса сифатида, агар ҳиссанинг мазкур тури МЧЖ устави ёки таъсис шартномасида қайд этилган бўлса, қабул қилиши мумкин. 310-И-сон Қонун баҳолаш ташкилоти томонидан муассислар киритаётган ҳиссалар қиймати баҳолашни талаб қилмайди. (Бундай талаб, масалан, акциядорлик жамиятлари учун «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 26 апрелдаги 223-И-сон) билан назарда тутилган, бу ҳолда мол-мулкни киритиш кўринишида ҳақиқатдан бўлган акцияларнинг номинал қиймати энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кўпни ташкил қилади). Агар МЧЖ муассислари уларнинг умумий йиғилиши томонидан ҳиссанинг келишилган ва тасдиқланган баҳосини етарли деб ҳисобласалар, мустақил экспертиза ўтказишга ҳожат бўлмайди.

Асосий воситаларнинг корхонанинг устав фондига ҳисса сифатида берилиши қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисобварақ-фактура билан расмийлаштирилади. Сизнинг ҳолатингизда фақат қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади, уни муассис – жисмоний шахс, шунингдек

корхона махсус комиссиясининг раиси ва аъзолари имзолайдилар. Далолатномага, агар мавжуд бўлса, техник хужжатлар (паспорт, техник шартлар ва б.) илова қилинади. Корхона бухгалтерияси асосий воситаларни ҳисобга қабул қилади: карточка очиб, унга объект тўғрисидаги барча маълумотларни қайд этади; инвентарь рақами беради, у фойдаланишнинг бутун даврида сақланади ва барча бирламчи хужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида кўрсатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар корхонанинг даромади сифатида қаралмайди ва, тегишинча, ягона солиқ тўлови ва фойда солиғи ҳисоб-китобида солиқ солинадиган базага киритилмайди (Солиқ кодексининг 355 ва 129-моддалари).

МИСОЛ. Жисмоний шахс – МЧЖ муассиси корхонанинг устав фондига ҳисса сифатида ишлаб чиқариш ускунасини жамият иштирокчилари билан келишилган 12 000 минг сўм қийматида киритди. Корхона ишчилари уни монтаж қилишди, уларнинг иш ҳақи ижтимоий сўғуртага ажратмаларни ҳисобга олганда 280 минг сўмни ташкил қилди.

Ҳисса сифатида жамият устав фондига киритилган ишлаб чиқариш ускунаси корхона муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган қиймат бўйича кирим қилинади. Ускунанинг дастлабки қийматига, 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»нинг (молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 11, 14-бандларига кўра, уни монтаж қилиш харажатлари – 12 280 минг сўм (12 000 + 280) ҳам киритилади.

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	МЧЖ устав капиталига ҳисса бўйича муассиснинг қарзи акс эттирилган	12 000	4610	8330
2	Ишлаб чиқариш ускунаси тарзида ҳисса келиб тушган	12 000	0820	4610
3	Ускунани монтаж қилиш харажатлари акс эттирилган	280	0820	6710, 6520
4	Ускуна фойдаланишга жорий этилган	12 280	0130	0820

Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



ТУШУМНИ КАССАДА РАСМИЙЛАШТИРИНГ

? 1. Корхонанинг савдо тармоғига кирадиган ва шаҳарнинг турли қисмларида жойлашган 4 дорихона, инкассация хизмати билан тузилган шартномага асосан, ҳар кун тушумни инкассаторларга топширади. Топширилган тушумга дорихоналарнинг масъул шахслари икки нусхада белгиланган намунадаги квитанцияни ёзадилар. Унинг бир нусхаси инкассация хизмати вакилига берилади, иккинчи нусхаси дорихоналарнинг моддий жавобгар шахсларида қолади ва бир вақтнинг ўзида корхона кассасида кирим ва чиқим ордерларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Дорихоналарнинг моддий жавобгар шахслари томонидан инкассация хизматига берилган пулларни кассир, амалда қабул қилмасдан, корхона кассаси орқали қабул қилинган ва банкка топширилган маблағлар сифатида расмийлаштирилади.

Корхона дорихоналар топширган тушумни корхона кассасини четлаб ўтиб расмийлаштириши ва пулни олган инкассатор имзоси қайд этилиб ёзилган квитанцияларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда дорихоналарнинг товар-пул ҳисоботи асосида ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича реализация қилинган товарларни ҳисобдан чиқариши мумкинми? Ушбу операцияни қуйидагича акс эттириш мумкинми: инкассаторларга берилган пул суммасига:

- «Реализация» ҳисобварағининг дебети
- «Товарлар» ҳисобварағининг кредити
- «Йўлдаги пуллар» ҳисобварағининг дебети
- «Реализация» ҳисобварағининг кредити; амалда келиб тушган маблағларга;
- «Ҳисоб-китоб рақами» ҳисобварағининг дебети
- «Йўлдаги пуллар» ҳисобварағининг кредити.

2. Асосий фаолият турини (умумий овқатланиш) амалга ошириш чоғида корхона, ўзи ишлаб чиқарган (ошхонада тайёрланган) маҳсулотдан ташқари, қайта сотиш мақсадида харид қилинган тайёр товарларни (салқин ичимликлар, шарбатлар, ширинликлар ва ҳоказо) реализация қилади, яъни савдо фаолияти билан шуғулланади.

Корхонамиз ЯСтни умумий овқатланиш бўйича 10%лик, савдо бўйича 4%лик ставка бўйича тўлаши мумкинми? Н.Наимов.

– 1. Нақд пул маблағларини қабул қилиш ва инкассациялашда ҳамда касса хужжатларини расмийлаштираётганда Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари¹ (бундан кейин – 565-сон Қоидалар) ва Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага² (бундан кейин – 1831-сон Йўриқнома) амал қилиш керак.

565-сон Қоидаларда корхонада битта касса дафтари юритиш назарда тутилган (сизнинг дорихоналарингиз НКМ бўйича касса дафтари юритадилар). Шу сабабли дорихоналар тушумини корхона кассасини четлаб ўтиб расмийлаштириш тўғри эмас.

565-сон Қоидаларнинг 11 ва 13-бандларида кассаларга нақд пулларни қабул қилиш кирим касса ордери, кассадан нақд пул берилиши эса чиқим касса ордери билан расмийлаштирилиши белгиланган.

Кирим ордерини ҳар бир савдо шохобчасининг (дорихонанинг) кассири кун охирида, НКМ чекларига кўра нақд пул тарзида келиб тушган бутун тушумга ёзади. 1831-сон Йўриқноманинг 212-бандига кўра, пул маблағларини инкассаторга бериш чоғида уч нусхада 006-шакл бўйича ку-

затиш қайдномаси расмийлаштирилади. Унинг биринчи нусхаси инкассатор сумкаси чўнтагига солиб қўйилади. Иккинчи нусхаси (юкхат) инкассаторга топширилади. Инкассатор томонидан имзоланган учинчи нусха (квитанция) кассирда қолади ва чиқим ордерини ёзиш учун асос ҳисобланади.

Келиб тушган ва инкассаторларга топширилган пул маблағлари бўйича ҳар бир дорихонанинг кассири корхонанинг катта кассири олдидан ҳисобот бериши керак, бунда у кирим ва чиқим касса ордерлари, инкассатор имзоланган квитанцияни тақдим этади ва уларга НКМ чеклари ва товар ҳисоботини илова қилади. Дорихоналар кассирларининг ҳисоботлари ва НКМ чеклари асосида кирим ордери, инкассатор имзоланган квитанция бўйича эса чиқим ордери расмийлаштирилади.

Бухгалтер кассир тақдим этган маълумотлар бўйича товарнинг реализация қилинишини ва нақд пул маблағлари ҳаракатини қуйидагича расмийлаштирилади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
	Дебет	Кредит
Товарни реализация қилишдан тушум акс эттирилди	5010- «Миллий валютадаги пул маблағлари»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
Реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2900-«Товарлар»
Пул маблағлари инкассаторларга берилган	5710-«Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари»	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»
Пул тушуми ҳисоб-китоб рақамига қайд этилган	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	5710-«Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари»

2. Умумий овқатланиш корхонасининг маҳсулотини ҳисобланмаган салқин ичимликлар, ширинликлар ва бошқа товарлар билан савдо қиладиган умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида Давлат

солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари, Солиқ академияси ректори Эркин Гадовев берган тушунтириш «СБХ»нинг 2010 йил 3 июндаги 23 (827)-сонидан чоп этилган («Фикрлар турлича...» материали*).

Жавобларни «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари тайёрладилар.

¹МБ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

²АВ томонидан 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатдан ўтказилган МБ бошқаруви қарори таҳририда.

*Материал билан эркин кириш мумкин бўлган www.norma.uz сайтида ҳам танишишингиз мумкин.

Импорт қилинаётган товарларнинг «асл ватани»ни аниқлаш тариф билан тартибга солиш, миқдорий чеклашлар, антидемпинг ва компенсация божлари, муҳофаза қилиш чоралари, товарларнинг келиб чиқишини тасдиқлайдиган маркировкалашга қўйиладиган талаблар, давлат харидлари қоидалари сингари савдо сиёсати чораларини қўллаш, шунингдек статистика ҳисоби учун зарур. Келиб чиқиш мамлакатни асосий ёки «нопреференциал» қоидаларга мувофиқ белгиланади. Айрим мамлакатлардан олиб кириладиган товарларга нисбатан «ноль даражали» ёки пасайтирилган бож ставкалари амал қиладиган давлатлар белгилашнинг бошқа преференциал қоидаларини қўллайдилар, улар кўпинча асосий қоидалардан фарқ қилади. Агар асосий қоидалардан товар келиб чиққан мамлакатни белгилаш учун фойдаланилса, иккинчи хил қоидалар муайян товарга тариф преференциялари берилишини тартибга солади. Преференциал қоидалар товар оқимларининг четга олиниши ва тариф имтиёзлари назарда тутилмаган мамлакатдан келиб чиққан товар оддий қайта ортиш натижасида божхона тўловларидан бўйин товлаган ҳолда эркин савдо зонасининг иштирокчиси мамлакатидан келиб чиққандек олиб кириладиган вазиятларнинг олдини олиш имконини беради.

Келиб чиқиш мамлакатини белгилашнинг преференциал қоидалари вазифаси импортчи мамлакат бозорига, шу жумладан икки тарафлама ва минтақавий, преференцияларни бир-бирларига тақдим этиш тўғрисидаги битимларнинг иштирокчи давлатларидан товарларга йўл очишдан иборатдир.

Чунончи, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ишлаб чиқарилган товарлар учун имтиёзлар ва преференцияларни қўллайди¹. Эркин савдо зонаси мақомига асосан МДҲ мамлакатларидан товарлар амалда бож тўламай олиб кирилади, баъзи йиғимлар бундан мустасно.

Шуни таъкидлаш лозимки, йил сайин товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мураккаблашиб борапти, чунки транспорт чиқимлари қисқариши, глобаллашув жараёни ҳолатида ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгаришлари ишлаб чиқариш занжирларининг узиллишига ва улар таркибий элементларининг дунёдаги бошқа мамлакатлар ва минтақаларга кўчиб ўтишига олиб келяпти. Натижада баъзан ишлаб чиқариш жараёнининг муайян элементи бир неча мамлакатда ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган мамлакатни аниқлашни белгилаш мушкул бўляпти.

«АСЛ ВАТАН»НИ БЕЛГИЛАШ УСУЛЛАРИ

Товарни тайёрлаш фақат бир босқичдан иборат бўлса ёки у тўлалигича битта мамлакатда ишлаб чиқарилган бўлса, унинг «ватани»ни аниқлаш нисбатан мураккаб эмас. Асосан бу нарса мазкур мамлакатда етиштирилган ёки йиғилган ўсимлик ёки ҳайвонлардан тайёрланган маҳсулотларга, шунингдек улардан тайёрланган импорт компонентлари ёки материаллари қўшилмаган товарларга тааллуқлидир. Одатда товар преференциал режим тақдим этилиши тўғрисидаги битим бенефициари бўлган мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги далилини тасдиқлаш етарли бўлади.

Ишлаб чиқариш икки ва ундан кўп давлатда амалга ошириладиган бошқа ҳоллар учун келиб чиқиш мамлакатини белгилаш улардан қайси бирида товар етарлича (*sufficient working or processing*) ёки жиддий тарзда (*substantial transformation*) қайта ишланганлигини ҳал қилиш имконини берадиган усуллар бўйича амалга оширилади. Иккала атамадан одатда биргина мазмунга эга бўлган синонимлар сифатида фойдаланилади. Етарлича (жиддий тарзда) қайта ишлаш деганда пировадиди товар ўзининг асосий (хос) хусусиятига эга бўладиган жараён тушунилади.

Бироқ бугунги кунда келиб чиқиш мам-

лакатини белгилашнинг оддий ва универсал қоидасини топиш жуда қийин. **Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция²** (1999 йилги янгиланган версия) унга доир 3 асосий ёндашувни белгилайди: товарларнинг таснифлаш кодини ўзгартириш, адвалор улуш қоидаси ва муайян ишлаб чиқариш операцияларини бажариш.

ТАСНИФЛАШ КОДИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Агар товар уни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган барча импорт қилинган материаллари таснифланадиган позициялардан фарқ қиладиган товар позициясида таснифланса, у мазкур мамлакатдан келиб чиққан ҳисобланади. Ушбу усул ГАТТ/ЖСТ ва Жаҳон божхона ташкилоти юритаётган

ТОВАРНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Юқларни чегара орқали олиб ўтишдаги муҳим муаммолардан бири товар келиб чиққан мамлакатни аниқлаш ҳисобланади. Унинг долзарблиги тўғрисида, хусусан, ТИАИСВ, Молия вазирлиги ва ДБКнинг қўшма қарори³ билан тасдиқланган Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (бундан кейин – 2131-сон Низом) далолат беради.

келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг нопреференциал қоидаларини уйғунлаштириш учун асосий усул ҳисобланади. **Товарларни таснифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими⁴** кенг татбиқ этилиши туфайли ушбу усулдан фойдаланиш мумкин бўлди – дунёдаги тахминан 200 мамлакат товарларни товар тоифаларининг бирхиллаштирилган тизимига мувофиқ таснифламоқда.

Бироқ товарни у ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган мамлакатдан келиб чиққан деб тан олиш учун таснифлаш кодини қандай даражада ўзгартириш зарурлиги масаласига турлича ёндашувлар мавжуд. Кўпинча қоидалар кодни дастлабки тўрт белгининг исталган даражасида ўзгартириши, яъни уйғунлаштирилган тизимнинг товар позициясини ўзгартиришни талаб қилади.

Маълумот учун! Агар аниқ товар ёки аниқ мамлакатга (мамлакатларга) нисбатан товарнинг келиб чиқиши мезони алоҳида белгиланмаган бўлса, мамлакатимизда ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида товар позициясининг (товарнинг таснифловчи коднинг) ўзгариши содир бўлса, товар етарли даражада қайта ишланганлиги тўғрисидаги қоида қўлланилади (2131-сон Низомнинг 9-банди).

Товарнинг таснифлаш кодини ўзгартириш мезони бўйича келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг оддий ва универсал усули қоидаларнинг равшан, бир мазмунда бўлишини, уларни ТИФ иштирокчилари тушунишини таъминлайди. У қўллаш учун нисбатан оддий. Мазкур ҳолда ҳужжатли тасдиқлаш учун товар ишлаб чиқариш бўйича савдо операциялари занжирининг иштирокчилари импорт материаллари, компонентлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулот қандай кодга эгаллиги тўғрисида ахборотни лозим даражада қайд этишлари лозим. Бундай талабларни бажариш тайёр маҳсулотни етказиб берувчи товар ишлаб чиқариш учун материаллар ва компонентларни тўғридан-тўғри сотиб оладиган ҳамда олиб кириладиган ҳолда қийинчиликлар туғдирмайди, бироқ агар улар пировад маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакатда воситачилардан харид қилинса, мураккаб вазифага айланиши мумкин.

МАЪЛУМОТНОМА

2131-сон Низомнинг 12-бандига биноан, ишлаб чиқариш ёки транспорт шариоитларига кўра, товарларни битта туркум қилиб жўнатишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли улар бўлиб-бўлиб ёки йиғилмаган ҳолда етказиб берилса, унинг келиб чиқишини аниқлаш нуктаи назаридан импортёрнинг хоҳишига кўра, ягона предмет деб қаралиши керак.

Ушбу қоиданинг қўлланиш шарти қуйидагилардан иборат:

булақларга бўлинган ёки йиғилмаган товарнинг бир неча туркумга тақсимланганлигини, бундай тақсимлаш сабабларини, ҳар бир туркумга кириладиган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодлари, қиймати ва уларни ишлаб чиқарган мамлакатни кўрсатган ҳолда ҳар бир туркумнинг батафсил таснифини ўзбекистон Республикаси божхона органига олдиндан маълум қилиш;

барча туркумдаги товарларнинг битта мамлакатдан битта экспортёр орқали етказиб берилиши;

товарларнинг барча туркумларини битта божхона постида расмийлаштириш; барча туркумдаги товарларнинг шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмай етказиб берилиши.

АДВАЛОР УЛУШ ҚОИДАСИ

Муайян мамлакатда фойдаланилган материаллар қиймати ёки қўшилган қиймат пировад маҳсулот нархида қатъий белгиланган фоиз улушига етса, товар ундан келиб чиққан ҳисобланади. Ушбу мезон товар қийматидаги келиб чиқиш мамлакатда кўшилиши керак бўлган энг кам улуш сифатида ёки унинг қийматида товар ишлаб чиқарилган барча импорт материалларнинг энг юқори йўл қўйиладиган улуши сифатида таърифланиши мумкин.

Қўшилган қиймат мезони равшанлиги ва уни қўллашнинг нисбатан оддийлиги туфайли бир қатор афзалликларга эга. Бироқ амалиётда у қийинчиликлар туғдириши мумкин. Биринчидан, материаллар қийматини белгилаш етказиб бериш шартларига боғлиқ бўлиши ва турлича миқдорга эга бўлиши мумкин. Иккинчидан, ушбу усулдан фойдаланиш корхоналар учун зарур ахборотни айнан қайд этиш имконини берадиган мураккаб ҳисоб тизимини юритишда салмоқли харажатларга олиб келиши мумкин. Нихоят, мазкур усул бўйича келиб чиқиш мамлакатини белгилаш турли мамлакатларда маҳсулот таннархининг ўзгаришига – валюталар курси, меҳнат ҳақи, хом ашё қийматига – боғлиқдир. Масалан, товар бир мамлакатдан келиб чиққан деб ҳисоблашга асос берадиган ишлаб чиқариш операциялари уларни меҳнатга ҳақ тўлаш янада паст бўлган бошқа мамлакатда бажариш чоғида етарли бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, вақт ўтиши билан улар валюталар курси ўзгарган тақдирда етарли бўлмаслиги мумкин.

Маълумот учун! Мамлакатимизда, 2131-сон Низомнинг 10-бандига биноан, етарли даражада қайта ишланганлик мезони адвалор улуш орқали фойдаланган ҳолатларда, қийматли кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

а) импорт қилинаётган материаллар учун – олиб киришда бож олинадиган (СИФ негизида) қиймат бўйича; ёки агар уларнинг келиб чиқиши номаълум бўлган ҳолда, – ишлаб чиқариш амалга ошириладиган мамлакат ҳудудида белгиланган биринчи сотув баҳоси бўйича;

б) тайёр товарлар учун – франко-завод баҳоси ёки экспорт баҳоси бўйича.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Ушбу мезон ҳар бир товар ёки уларнинг гуруҳи учун, уларнинг бажарилиши мазкур мамлакатда ундан келиб чиққан деб ҳисоблаш учун имкон берадиган ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш бўйича операциялар (ижобий мезон) ёки бунга асос бермайдиган операцияларни (салбий мезон) белгилайди.

Бундай мезонга асосланган келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари мазкур мамлакатдан келиб чиқадиган муайян материаллардан фойдаланиш тўғрисидаги талабларни белгилаш ёки ушбу мамлакатдан келиб чиқмаган бирор-бир материаллардан фойдаланишга йўл қўймаслигини белгилаш мумкин. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларига олиб кириладиган кийимлар учун ишлаб-чиқаришга бошланғич хом ашё сифатида йиғирилган ипдан фойдаланиш кераклиги белгиланган. Шу тарихи, Европада тайёрланмаган газламадан ишлаб чиқарилган товар ЕИ мамлакатларидан келиб чиқмаган деб ҳисобланади.

Муайян технологик операцияларни бажариш мезонларига асосланган қоидаларнинг асосий афзаллиги шундаки, белгиланганидан кейин улар товар қандай белгиларга мувофиқ келиши кераклиги тўғрисида турлича талқин қилишларга йўл қўймайдиган аниқ тасаввур беради. Бу нарса қоидаларнинг ишлаб чиқарувчилар учун очик-ойдин бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга мазкур тизим бир қатор камчиликларга эга: технологик жараёнларни такомиллаштириш муносабати билан мезонларни қайта кўриб чиқиш лозим; ҳужжатли таъминлашга қўйиладиган талаблар, хусусан ишлаб чиқариш операцияларини тавсифлашнинг актуаллаштирилиши, у корхоналар учун мураккаб бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан жаҳон амалиётидан олинган қуйидаги мисоллар қизиқиш уйғотади. 1996 йилдан бошлаб АҚШда тўқимачилик буюмлари ва кийимларнинг келиб чиқиш мезонлари қўлланыпти, уларга кўра илгари ЕИдан келиб чиққан деб ҳисобланган товарлар Осиё мамлакатларидан келиб чиққан деб қарала бошланди. Бу нарса олиб кириладиган товарларни Тўқимачилик маҳсулоти ва кийим маҳсулотлари тўғрисидаги битимга мувофиқ миқдорий чеклашларга олиб келди. Бундан ташқари, янги қоидалар илгари «Италияда ишлаб чиқарилган» деган маркировкага эга бўлган товарларни (масалан, шойи рўмолларни), талаб учун тегишли оқибатлари билан, Покистонда ишлаб чиқарилган деб маркировкалашни талаб қилди, чунки товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчи буюмларнинг сифат кўрсаткичи ўрнида қабул қилади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида ЕИда фотонусха кўчириш техникасининг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари қайта кўриб чиқилди, бундан мақсад япон компанияларининг АҚШдаги филиаллари томонидан бажарилаётган ишлаб чиқариш операциялари унинг АҚШдан келиб чиққан деб ҳисоблашга асос бермаслиги эди. Уларга нисбатан худди Япониядан келиб чиққандек тартибдаги антидемпинг чоралари қўлланди.

Шу тарихи, биргина товар келиб чиқиш мамлакатини белгилашнинг турли тизимларидан фойдаланганда турли мамлакатлардан келиб чиққан деб ҳисобланиши, бироқ келиб чиқиш мамлакатига қўйиладиган талабларни қаноатлантирмаглиги мумкин. Масалан, ривожланаётган мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчи товарни ЕИга Евроиттифоқ преференциялари умумий тизимига мувофиқ тариф бўйича преференциялар берган ҳолда етказиб берилиши, бироқ айни шу товар АҚШ преференциялари умумий тизими бўйича келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидаларига мувофиқ келмаслиги ҳолатига тушиши мумкин.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
Ўз мухбиримиз.

¹ АВ томонидан 2010 йил 13 августда 2131-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

² Эркин савдо режимини назарда тутадиган битимлар тузилган Эркин савдо зонасини барпо этиш тўғрисида битим иштирокчи давлатларнинг рўйхати (ТИАВ, МВ ва ДБК томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 8 апрелда 429-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

³ Киото, 1973 йил 18 май.

⁴ Брюссель, 1983 йил 14 июнь, Ўзбекистон Республикаси учун 2000 йил 1 январдан кучга кирган.

Криминалист эксперт ён дафтарида

Кўп йиллик амалиётим мобайнида ҳар хил объектлардаги изларга қараб бузғунчилик йўналишини эксперт тариқасида аниқлашимга тўғри келган. Куйида иккита ана шундай воқеа ҳақида сўзлаб бермоқчиман.


ИШ БЎЛМАСА-Ю...

Ёши анчага бориб қолган бўлса-да, бирон ерда ёлчитиб ишламаган танбалтабиат бир йигит таралла бедод ҳаёт кечириб жуда-жуда хоҳларди. Тузуқина даромад топадиган отаси бериб турадиган пул маълум пайтгача унинг эҳтиёжларига бақор келиб юрди. Аммо падари бузруквори томонидан мунтазам равишда чўнтагини қаппайтириб турган пул, гарчи мўмайгина бўлса-да, иштаҳаси тобора карнай бўлиб бораётган ўғилни қаноатлантирмай қолди.

Ана шунда отаси тўплаган мол дунёни ўзлаштириб олиш фикри ўғилни тамомиларом этди-қўйди. Ўзидан шубҳаланмасликлари учун у бузғунчилик содир бўлгандай қилиб кўрсатди. Оила биринчи қаватдаги квартирада яшагани учунми, дераза ромлари баландроқ эканига қарамай, темир панжара ўрнатилган эди. Ота-онасининг хобгоҳида сейф бўлиб, унда катта миқдордаги пул жамғармасидан ташқари онасининг тилла тақинчоқлари ҳам сақланарди.

Ота-онаси сафардалиқ чоғида номард ўғил сейфни бузиб, ичидагиларини супургандек қилиб олгач, эгов билан темир панжарани эговлаб, дераза ойналарини синдирди. Қўшнилари эҳтиборини тортмаслик, қолаверса ҳийла баланд ромдаги темир панжарани эговлашда ўзини унча у қийнамаслик учун бу ишларнинг ҳаммасини унинг ичидан туриб амалга оширди.

Ўғирланган пул миқдори шунчалик катта, «қахрамонимиз»нинг отаси шунчалик сарбаланд мансабда эдики, бу иш юзасидан тергов олиб бориш шаҳардаги энг тажрибали терговчилардан бирига топширилди. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечирган терговчи ўғирлик квартирада сейф борлигини ва хонадон соҳиблари сафарда эканлигини билган шахс (ёки шахслар) томонидан



содир этилганлигини сезди. Ўғилнинг шахсини текширгач, тергов уни ўғирликка дахлдор деган фикрга бориб, ўғирликни ё унинг ўзи содир этган, ёки жиноятчиларга хабарини етказган деган тусмолда тўхталди. Энди далиллар керак эди. Терговчи бузғунчилик йўналишини аниқлаш шундай далиллардан бири бўлади деб мўлжал қилди, чунки воқеа содир бўлган жойни кўздан кечираётганида, унда бу иш квартиранинг ич тарафидан содир этилган деган шубҳа туғилган эди. Шу сабабли ҳам квартирадаги барча арра ва эговлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Трасология экспертизаси тайинланиб, унинг олдида бузғунчилик йўналиши тўғрисидаги ҳамда темир панжара тақдим этилган асбоблардан бирортаси ёрдамида ар-

раланган ёки эговланганлигини аниқлаш масаласи қўйилган эди. Идентификация текширишлари ўтказиш учун темир панжаранинг арраланган қисмини, бузғунчиликнинг йўналишини аниқлаш учун эса темир панжара арраланган жойни текширишдан ўтказиш лозим эди.

Терговчи ушлаб турган омонат нарвонда бир неча соат қўлда лупа билан жойни синчиклаб кўздан кечириб, панжаранинг арраланган учларини ва синган ойнанинг осилиб турган бўлақларини текширишга тўғри келди. Бу меҳнатлар зое кетмади. Мен темир панжара ва ойна қолдиқларида бузғунчилик ички тарафдан содир бўлганли-

АНТИҚА ОПЕРАЦИЯ

Давлатга қарашли дўконда гўё ўғирлик содир этилган деб кўрсатилаётган бир иш юзасидан ҳам бузғунчилик йўналишини аниқлашимга тўғри келди. Бундаги вазият худди «Ы» операцияси» бадиий фильмидаги воқеаларни эслатарди.

Анча-мунча пулни ўмариб, талайгина маҳсулотларни ўзлаштириб юборган дўкон мудирини бузғунчилик билан ўғирлик содир бўлган қилиб кўрсатиш ва барча зарарни ўрни-тагида йўқ ўғирлар ҳисобига бостибости қилиб юборишга қарор қилган кўринадди. Фильм «қахрамони»дан фарқли равишда у ортиқча гувоҳлар бўлмаслиги учун ҳамма ишни бир ўзи содир этмоқчи бўлган. Кечаси омборнинг томини бузиб ичкарига тушган ва ўғирлик бўлганга ўхшасин дея товарлардан у ер-бу ерда қолдириб кетган. Эрталаб дўкон мудирини ўғирлик аломатларини «аниқлаб», милицияга хабар қилган.

Бу иш юзасидан текшириш олиб бораётган терговчиларда ҳам ўғирликка дўкон мудирининг ўзи ёки унинг ходимларидан бири дахлдор деган шубҳа пайдо бўлди. Уни текшириш учун трасология эксперти-

гини кўрсатувчи белгиларни аниқлашга ва уларни суратга туширишга муваффақ бўлдим.

Шундан кейин терговчи темир панжаранинг арраланган қисмлари учларини текшириш учун тақдим этди. Микроскоп ёрдамида алоҳида-алоҳида текшириб кўргач, тақдим этилган асбобларга қараб эговланган жойлардаги изларни экспериментал ўрганиб чиқиб, жиноят содир этилган пайтда темир панжара ўғирлик қилинган квартирадан ашёвий далил сифатида олинган эговлардан бири билан эговланганлигини аниқлашга муваффақ бўлдим.

Бундай экспертиза хулосасига, шунингдек жиноят қидирув ходимлари қўлга киритган бошқа далилларга таяниб терговчи ноқобил ўғилнинг эйтирофини олиши қийин кечмади. Бунинг устига у ўмарган пулларни харжлаб улгурмаган экан. Пулнинг катта қисми қайтарилганлиги ўз нурийдисининг ёмонликка қўл урганлигидан куйиниб довдираб қолган отаона учун юпанч бўла олмади.



заси тайинланди ва бу ишни менга топширишди. Текшириш учун ўғри тешиб тушган катта ёриқ фанерни ҳам тақдим этишди. Натижа фанер ички тарафдан ёриб ўтилганлигини кўрсатди.

Шундан кейинги тезкор-қидирув тадбирлари ўғирлик содир бўлмаганлигини, балки дўкон мудирини расратага йўл қўйган устомонлик билан хасўшламоқчи бўлганлигини аниқлаб берди.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА...

Узоқ йиллик иш фаолиятимда минглаб турфа хил экспертизалар ўтказишга тўғри келган. Уларнинг ҳаммаси ҳам хотирада сақланиб қолавермайди, албатта. Ўз тажрибамдан шуни яхши биламанки, ё жуда мураккаб ва қизиқарли текширишлар, ёки ўта фожиали ҳодисалар билан боғлиқ текширишлар ёдда қолади.

Йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, пиёдани уриб ёки туртиб юбориш, босиб кетиш ҳоллари содир бўлганда негадир фақат ҳайдовчиларни айбдор деб ҳисоблайдилар, пиёдларни эса айбсиз жабрланувчи деб қарашга одатланиб қолинган. Таассуфки, экспертлик амалиёти, қолаверса ҳаётнинг ўзи у тараф ҳам, бу тараф ҳам ҳаракат қондасини кўпол бузганлиги кўпинча фожиали оқибатларга олиб келишини кўрсатмоқда. Ўзим экспертиза ўтказган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги ишларни мисол қилиб келтиришим мумкин. Улардан бири чиндан ҳам ҳайдовчининг, қолган иккитаси эса пиёдларнинг айби билан содир бўлган.

Трамвай уриб кетганлиги билан боғлиқ ҳодисалар, яхшиямки, кўп содир бўлмайди. Мен куйида мисол тариқасида келтираётган ҳолларда трамвай билан тўқнашув фожиа билан якун топган. Чунончи, бир неча йил муқаддам бир трамвай ҳайдовчи ён йўлдан марказий йўлга чиқиб олгач, олдинда трамвайлар қаторлашиб турганини кўриб қолади: афтидан, энг олдинги трамвай бузилиб қолган бўлса керак. Вақтни бой

бермаслик мақсадида трамвай ҳайдовчиси изига – ён йўлга қайтиш учун орқага тислана бошлади. Шу зайил у келган йўли бўйлаб қайтмоқчи эди. Айтиш жоизки, орқага тисланишда у қондани кўпол тарзда бузган. Сигнал бермай, катта тезликда тисланаверган, бунинг устига трамвай орқага юраётганлигидан пиёдларни бирон киши хабардор қилиб турмаган ҳам.

Трамвай йўлини кесиб ўтаётган норгул йигит трамвайнинг бу тарзда ҳаракатланишидан мутлақо хабарсиз эканлиги боис чап тарафга ақалли кўз ташламаган ҳам. Натижада фожиа содир бўлиб, норгул йигитнинг умрига зомин бўлди. Унинг қўлидаги ўғли отилиб кетиб боши билан ерга урилиб, шу заҳоти дунёдан кўз юмган.

Бу вазиятда трамвай ҳайдовчисининг айби равшан ва аниқ эди. Икки кишининг ўлимига олиб келган

ГАЗЕТХОН, ЙЎЛДА ХАМИША ЭЪТИБОРЛИ ВА ЭЪТИЁТКОР БЎЛ!

қилмиши учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Мана бу воқеага ҳам кўп вақт бўлди. Трамвай бурилаётган ишга кетаётган икки ҳамкасабани қаттиқ

зарб билан уриб юборган. Эрак киши ўртача оғирликдаги жароҳат олган бўлса-да, тирик қолди, аёл эса жигари қаттиқ шикастланиб шифохонада ўзига келмасдан дунёдан кўз юмди.

Воқеа шундай содир бўлган экан. Пиёдлар трамвай чорраҳага келган пайтда йўлни кесиб ўтаётган экан.

Улар юришдан тўхтаб, трамвайни ўтказиб юборгач, трамвай йўлининг четидан трамвай билан бир йўналишда юра бошлашган, афтидан вақтни бой бермаслик ниятида шундай қилишган. Бироқ улар трамвай чапга бурилишини ва бурилаётганда унинг орқа қисми нақ бир ярим метр масофани ёй шаклида кесишини ҳисобга олишмаган. Ҳайдовчи йўлни кесиб ўтаёт-

Рассом хандаси




www.caricatura.ru

ган пиёдларни кўрганлигини, улар трамвайни ўтказиб юбориш учун юришдан тўхтаб турганликларини айтади. Шу боис кўнғироқ бериб, трамвайни юргизишда давом этган, пиёдлар трамвайнинг ёнгинасида юришда давом этганликларини мутлақо кутмаганлиги ҳам рост. Уларни кўриб қолганида эса

Бу воқеаларни муфассал келтиришдан мақсад газетхонларни кўрқитиш, уларнинг кўнғилига гулгула солиш, асабларини ўйнатиш эмас, балки йўлларда эътиборли ва эҳтиёткор бўлиш, йўл қондасини бузмаслик, ўз ҳаётини ҳам, ўзгаларнинг ҳаётини ҳам хавф-хатарга қўймамаслик ҳақида яна бир бор огоҳлантиришдан иборатдир. Кейинчалик аттанг деб доғда қолмаслик учун болаларингизни ҳам шунга ўргатинг, одатлантиринг! Зотан кўча хамиша тасодифларга тўла, фалокат оёқ остига дейдилар. Транспорт воситалари эса хавф-хатар қони ҳисоб. Буни ҳайдовчилар ҳам, пиёдлар ҳам унутмаслиги лозим.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги республика суд экспертизаси
марказининг катта илмий ходими.



ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 42 (275) 2010 йил 26 октябрь



«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

SANAY Co.Ltd


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собиқ МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция
(мўлжал – “Ғуича” кинотеатри, “Тинчлик” м.б.)



Тўлов – исталган шаклда
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги
дренаж учун ГНОМ туридаги

ВК туридаги, Вихрли
ЦМК туридаги фекаль
“Андижанец” насоси

К туридаги, Консоль
“КАСКАД” ҚЎЗ

189-10
Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

«CHILONZOR ULGURJI SAVDO» МЧЖ

Гипсокартон учун рух қопламадан
профиллар

Буюртмага

Шип учун осма тизимли
«Armstrong» плиталари

Кабель маҳсулоти

Бўёқлар, алиф мой, лок

Кир ювиш кукуни, совун

Электродлар

Кальций карбиди

Битум, рубероид

Линолеум

Курук қурилиш аралашмалари

Алебастр


Белкураклар, челақлар, болталар

Мўйқаламлар, валиклар, колерлар


Кулфлар (ўйма ва осма)

ПВА елими, КМЦ

Ёзув-чизув товарлари ассортиментда



Шунингдек
500 дан ортиқ
номланишда




361-10


Тел.: (8-371) 140 00 12, 140 04 12; (+99897) 334 2233, 434 5250

Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 42, 109-офис. E-mail: chsu.torg@mail.ru

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



H512

Расмий дилер: “Sanar” хусусий корхонаси www.sanar.uz
Манзил: Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўч., 22В (мўлжал – Жанубий вокзал)
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

РЎЙХАТЛАР

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан

Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган санаси ва рақами	Юридик манзили	Қарор рақами
“EASY GET”	301501894	16.02.2010 003561-01	Чилонзор 30-19-3	10-1021/16673-т
“MANZURA				
FAYZ SAVDO”	206348205	07.04.2006 000988-01	Зиё Саид кўч., 286	10-1021/16675-т
“МАКТУБОТ ПРЕЕС”	205718987	15.06.2005 000672-01	Шароф 7-тор кўч., 18	10-1021/16672-т
“ОТЧОПАР-				
ESHONFIL’M”	205231907	28.09.2004 000367-01	Чилонзор 30-48-8	10-1021/16674-т
“РАУ РОКЕТ”	301420932	28.12.2009 003364-01	Лутфий кўч., 55	10-1021/16671-т

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамгалари ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 29 сентябрдаги 10-1017/16566-сонли ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги “UNIVERSAL FARM” ККга нисбатан банкротлик иши қўзғатилди. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 29 октябрь куни Тошкент ш., Э.Атаханова кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида ўтказилиши белгиланган. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 20 октябрдаги 10-1020/15751-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги “KARDINAL MEBEL” МСНЖ (юридик манзили: Бешёғоч кўчаси, 130-уй) банкрот деб эътироф этилган ва тугатув жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб К.Мухаммадиев тайинланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Ушбу корхонага нисбатан талаб ва мурожаатлар 2 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-318-хоналарда қабул қилинади. Тел. 250-70-87.



РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

УЗР АВНИНГ 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортик
САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

"Аудит-ВАРН" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС БҲИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

ТОШ

ТОШ

РҲЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 30 сентябрдаги 10-1017/16490-сонли ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "BARAKA SAVDO RAH" МЧЖ ҳамда 10-1017/16491-сонли ажримига асосан "ELTEX GAZ SERVIS" МЧЖга нисбатан банкротлик иши кўзгатилди. Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2010 йил 27 октябрь куни Тошкент ш., Э.Атаханова кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида ўтказилди. Ушбу корхоналарнинг банкротлик иши 2010 йил 27 октябрь куни соат 17.00 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 1-сонли суд залида бўлиб ўтади. Корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 19 октябрдаги 10-1021/16543(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги "Nurbekhon invest" МЧЖ банкрот деб топилган. Мазкур корхонага тегишли думалоқ муҳр ва учбурчакли тамгалар ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 45 кун мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 13 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб топилган ҳамда тугатиш жараёни бошланган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"CF-Teks" ҚК	10-1014/16126
"Gigant-Limited" ҚК	10-1014/16127
"ULUSAL" ШК	10-1014/16128

Мазкур корхоналарнинг тугатиш бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Хаётов тайинланган. Ушбу корхоналарнинг низоми (устави), думалоқ муҳр ва учбурчакли штамплари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой ичида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биносининг 401-хонасига билдиришлари мумкин.

***Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 8 октябрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"POYTAHT MATLUBOT INVEST PLUS" МЧЖ	10-1020/15496-т
"TUKAI-PROGRESS" МЧЖ	10-1020/15500-т
"SAKA-DREAMS" МЧЖ	10-1020/15501-т

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 13 октябрдаги қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами	Директор	Юридик манзили	Қарор рақами
"DELFIN INSTINKT"	301109787	23.03.2009	-	А.Қодирий кўч., 7а	10-1021/16531
"YULDUZLAR MAKONI"	300489980	27.06.2008	-	Гулобод, 36-30	10-1021/16534
"ADOBE PREMIERE PRO"	300766240	18.03.2008	-	Х.Икромов кўч., 19	10-1021/16530
"ХЕССАН ХАЙДЕРЗАДА" ШК	201222778	11.08.1995	160	Хожинасрулло Абдул Шукур	10-1021/16524
"FARUS INTERNATIONAL SERVIS"	300308484	27.02.2007	001748-09	Ф.Сафаров	10-1021/16522
"RASODI" МЧЖ	202563314	06.05.1998	574/5	С.Абдиев	10-1021/16521
"VITAL PLUS"	300817975	16.06.2009	002549-09	Қ.Мирзаев	10-1021/16521
"MURODU MAQSAD-SIXAT-SALOMATLIK"	300674260	08.01.2008	002289-09	Ш.Мақсудова	10-1021/16525
"ШОЖАЛИЛОВ"	201531149	27.12.1995	1578/12	Ё.Туйчиева	10-1021/16526
"SULTONMUROD-SERVIS" МЧЖ	205026543	30.04.2004	232-09	Д.Арипов	10-1021/16520
"ИБРОХИМ ХАМДИЙ"	200915484	28.02.1999	1089-08	Х.Ҳамдамов	10-1021/16519
"КАРОМАТ" ҚК	201083889	25.08.1998	1346	Т.Аюпов	10-1021/16537
"HARAKAT-BROK-DILER" МЧЖ	206858354	30.04.2007	001834-09	А.Юлдашев	10-1021/16539
"SURKO-BIZNESS"	300725694	19.02.2008	002378-09	С.Мадраҳимов	10-1021/16536
"INTER ATLAS EXPO" МЧЖ	205943653	30.12.2005	1038-09	-	10-1021/16535
"AHMADJON-FARZANDLARI" ХФ	204467218	28.03.2003	437	Т.Қосимов	10-1021/16532
"SARMAD SHAMS" МЧЖ	205470737	23.02.2005	1093	Резник Мария	10-1021/16518
"RANGTASVIR (РАНГТАСВИР)"	200895306	15.02.2002	149	С.Субонов	10-1021/16529
"MIA REAL ESTATE CONSTRUCTION"	300895144	29.04.2010	002757-09	И.Махитов	10-1021/16527

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти биносининг 2-қаватидаги Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келвермайди.
Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Norma maslahatchi" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишига фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босма хонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 783 Адади 4235. Баҳосен келишилган нархда
Газета 2010 йил 22 октябрда соат 19.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223

ТОШ

РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05